

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯҚУБОВ ФАЗЛИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТАФАККУР ТАРЗИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Якубов Фазлиддин Мухитдинович

Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Якубов Фазлиддин Мухитдинович

Совершенствование механизмов развития образа мышления будущих специалистов физической культуры и спорта..... 29

Yaqubov Fazliddin Muxitdinovich

Improving the mechanisms for developing the way of thinking of future specialists in physical culture and sports..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЯҚУБОВ ФАЗЛИДДИН МУХИТДИНОВИЧ

**БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТАФАККУР ТАРЗИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси
13.00.01-Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1493 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzdjtsu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Хакимова Муҳаббат Файзиевна педагогика фанлари доктори, профессор
	Шопулатов Абдималик Нуруллаевич педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Расмий тақризчилар:	Мардонов Шукур Қўлошович педагогика фанлари доктори, профессор
	Маткаримов Рашид Машарипович педагогика фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03.30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "23" декабр сават 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел: (0-37-717-17 79,717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2 - қават, анжуманлар зали)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот – ресурс марказида танишнинг мумкин (211580 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй).

Диссертация автореферати 2021 йил " 10 декабр " кунин тарқатилди (2021 йил " 10 декабр " даги рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

[Signature]
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

[Signature]
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тажрибасидан маълумки, жисмоний тарбия ва спорт ривожда бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бунда уларнинг тактик тайёргарлик даражаси, тактик маҳоратининг ривожланганлиги ҳамда аналитик фикрлаш қобилияти муҳим ўрин тутди. Ҳозирда глобаллашув жараёнининг тезлашиши, ахборот оқимининг кучайиб бориши барча соҳа мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириб бориш билан боғлиқ амалий тадқиқотларни талаб қилмоқда. Бу ҳолат бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо этмоқда.

Бугунги кунда дунё олимлари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳаси мутахассисларининг касбий билимлари, амалий кўникмалари, соҳавий малакаларини оширишнинг илмий-услубий ҳамда ташкилий асосларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларнинг муҳим жиҳати шундаки, спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда аҳоли орасида оммавий спортни ривожлантиришда турли соҳалар ҳамкорлигига эътибор қаратилмоқда. Натижада, бир томондан иқтисодий юксалиш ортмоқда, иккинчи тарафдан жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари дунёқарашида моддий манфаатдорликнинг асосий мотивга айланиши, жисмоний кучни доминант сифатида билиш каби муаммолар юзага келмоқда. Бу эса бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини комплекс ривожлантириш билан боғлиқ тадқиқотларни ташкил қилишни талаб қилади.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришда ушбу соҳа мутахассисларининг ўқув жараёнларини такомиллаштириш, машғулот юкламаларини оптималлаштириш, жисмоний сифатларини ошириш масалалари тадқиқ этилмоқда. “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, спортда илм-фанни жадал ривожлантириш, юқори малакали рақобатбардош тренер-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш жараёнларини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда”¹. Мазкур ислохотларда ҳар томонлама кенг дунёқарашга эга, тафаккур тарзи ривожланган, назарий билимларини амалиётда қўллай оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тактик фикрлаш қобилиятини тезкорлик жисмоний сифатига мослаштириш, амалий машғулот ва мусобақа жараёнида тактик ҳаракат усулларини рационал ўзгартириш малакасини оширишга қаратилган услубни ишлаб чиқиш, креативлик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4877-сонли қарори. lex.uz.

компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган услублардан фойдаланишга доир тадқиқот ишлари муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 3 ноябрдаги ПК-4877-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижда бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш борасида бир қатор илмий ишлар амалга оширилган. Жумладан, Ўзбекистонлик олимлардан Ф.А.Керимов, А.Н.Абдиев, Р.С.Саломов, Р.Д.Халмухамедовлар² жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг жисмонан, ақлан ривожланишида техник, тактик, ақлий, функционал жиҳатдан тайёргарлик жиҳатларига алоҳида эътибор бериш керак деб таъкидлашган. Н.Н.Тўхтабоев, А.Н.Шопулатов, С.С.Тажибаевлар³ жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантириш, спортчиларда маънавий кадриятларни шакллантириш ишларини самарали ташкил қилиш, ҳаракатли ўйинлардан фойдаланган ҳолда спорт мутахассисларини тайёргарлигини ошириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни муҳим деб ҳисоблашган.

Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, Л.П.Матвеев, Ю.Д.Железняк, В.Н.Платоновлар⁴ жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида жисмоний

² Керимов Ф.А. Спорт соҳасида илмий тадқиқотлар // Дарслик. - Тошкент. Зар қалам, 2004. - 334 б.; Абдиев А.Н. Яккакураш спорт турларида ихтисослашувчи талабаларда мураббийнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. док. ... дис. –Т.:ЎзДЖТИ нашриёти, 2004. - 210 б.; Саломов Р.С. Спорт машғулотининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. Т.:ЎзДЖТИ нашриёти, 2005. – 261 б.; Халмухамедов Р.Д. Бокс. Ўқув қўлланма. Т.:Lider Press, 2008. – 317 б.

³ Тўхтабоев Н.Т. Жисмоний тарбия мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга ташкилий-педагогик ёндашув. п.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати Т.:2011, 24 б.; Шопулатов А.Н. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида маънавий кадриятларни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: Педагогика. фан. (PhD)...дисс.автореф.-Чирчик:ЎзДЖТСУ, 2019, 57 б.; Тажибаев С.С. Ўсмир яккакурашчиларнинг комплекс тайёргарлигида ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини илмий-педагогик асослаш: Педагогика. фан. (DSc)...дисс.автореф.-Чирчик:ЎзДЖТСУ, 2019, 77 б.

⁴ Холодов Ж.К., Кузнецов В.С. Теория и методика физического воспитания и спорта: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. - М.:Издательский центр «Академия», 2000. - 480 с.; Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. – М.:Физкультура и спорт, 2000. – 331 с.; Железняк Ю.Д. Теория и

сифатлар билан тафаккур ривожланишини чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблашган.

А.В.Кувшинов, В.С.Макеева, А.Г.Морозов, Г.З.Карнаухов, К.Н.Пружинин, Е.Г.Пухаева, И.Р.Тарасенко, Е.М.Ларина, О.А.Заплатина, И.В.Переверзева, А.А.Мушаков, А.Г.Мотепоненколар⁵ бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашнинг илмий-услубий ҳамда педагогик жиҳатларини ёритиш масалаларида илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

И.Д.Свнщѐв, И.Н.Стрекаловская, Е.М.Федоскина, Т.М.Булкова, Л.Н.Мининалар⁶ спортчи талабаларнинг тафаккурини ривожлантиришда таълим методлари ва касбий фаолиятини таҳлил қилишни илмий изланишларида ақс эттирган.

Бугунги жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг замонавийлашиб бораётган бир даврида ушбу соҳа мутахассисларининг тафаккур тарзини янги ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиши ва шу асосда фаолиятларини йўлга қўйиш масалаларини Д.Г.Петренко, И.В.Плаксина, В.В.Андреевлар⁷ ўз илмий-тадқиқотларида ёритиб берган.

методика обучения предмету «Физическая культура»: Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений /Ю.Д.Железняк, В. М. Минбулатов. — М.: Издательский центр «Академия», 2004. — 272 с.; Платонов В.Н. Адаптация в спорте. - Киев, 2013. — 216 с.

⁵ Кувшинов А.В. Формирование профессиональной самооценки у будущих учителей физической культуры. Автореф.дис.канд. пед. наук.- Тула: 2000. – 19 с.; В.С.Макеева. Профессионально-личностное развитие будущего учителя в процессе физического воспитания. Автореф.дис..док. пед. наук.- Москва: 2002. – 20 с.; Морозов А.Г. Социально-педагогические факторы, определяющие успешность педагогической деятельности тренера (на примере гребного спорта). Автореф.дис..канд. пед. наук.- Москва: 2002. – 20 с.; Карнаухов Г.З. Социально-педагогическая регуляция подготовки профессиональных кадров и квалифицированных спортсменов в полиструктурной функциональной педагогической системе. Автореф.дис..док. пед. наук.- Москва: 2003. – 63 с.; Пружинин К.Н. Педагогические условия социализации специалистов в области физической культуры и спорта. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Улан-Удэ: 2003. – 22 с.; Пухаева Е.Г. Педагогическое проектирование процесса подготовки студентов университета – будущих специалистов в области физической культуры и спорта. Автореф.дис.. канд. пед. наук.- Владикавказ: 2005. – 24 с.; Тарасенко И.Р. Формирование социально-духовных ценностей средствами физической культуры в процессе профессиональной подготовки студенческой молодежи: Дис.... канд. пед.наук. – Ставрополь, 2005 – 24 с.; Ларина Е.М. Формирование физической культуры личности студентов в условиях модернизации образования. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Смоленск: 2006. – 25 с.; О.А.Заплатина. Роль физического воспитания в подготовке студентов вуза к будущей профессиональной деятельности. Автореф.дис.. канд. пед. наук.- Камерова: 2007. – 24 с.; Переверзева И.В. Психолого-педагогическое сопровождение профессионального развития преподавателей по физическому воспитанию в вузе. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Санкт-Петербург: 2007. – 20 с.; Мушаков А.А. Формирование рефлексивной культуры спортивного педагога. Автореф.дис.канд. пед. наук.- Москва: 2008. – 22 с.; Мотепоненко А.Г. Педагогическое содействие воспитанию патриотизма у спортсменов, занимающихся прикладными видами единоборств. Дис.... канд. пед.наук. – Челябинск, 2015.-157 с.

⁶ Свнщѐв И.Д. Интеграция науки и спортивной практики в совершенствовании профессиональной подготовк и студентов физкультурных учебны х заведений. Автореф.дис..док. пед. наук.- Москва-1998. – 48 с.; Стрекаловская И.Н. Самооценка спортсменов и ее коррекция средствами самопознания. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Санкт-Петербург-2005. – 20 с.; Федоскина Е.М. Развитие личности студентов вузов физической культуры в процессе учебной деятельности на основе активных методов обучения. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Смоленск: 2006. – 20 с.; Булкова Т.М. Инновационный подход к индивидуально ориентированному профессиональному образованию студентов вузов физической культуры. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Смоленск-2007. – 22 с.; Минина Л.Н. Специфика обучения приемам критического анализа профессиональной деятельности при подготовке педагогов по физическому воспитанию. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Санкт-Петербург-2007. – 25 с.

⁷ Петренко Д.Г. Адаптация специалистов физической-культуры и спорта в современных социально-экономических условиях. Автореф.дис..канд. пед. наук.- Улан-Уде: 2001. – 19 с.; Плаксина И.В. Формирование профессионального самосознания студентов физкультурного ВУЗА. Автореф.дис..канд. пед.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида жисмоний ва тафаккур ривожланишида техник, тактик ёндашувлар, педагогик жиҳатлар, таълим методлари ва касбий фаолият таҳлили, касбий маҳоратни ривожлантиришнинг аҳамияти, маънавий кадрлардан фойдаланиш йўллари ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилган. Лекин, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантиришда янги усул ва услубларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш масалалари деярли тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №V/III “Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда фалсафий-ҳуқуқий, психологик-социологик тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда спорт менежменти, маркетинги соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантирувчи механизмларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спортчи талабаларнинг тафаккур тарзида тактик фикрлаш қобилиятини такомиллаштириш;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тактик фикрлаш тарзини назарий ва амалий машғулотлар бўйича ривожлантиришга қаратилган услубни ишлаб чиқиш;

спортчи талабаларнинг креатив тафаккур тарзини ривожлантириш услубларини ишлаб чиқиш;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзида ахлоқий-иродавий сифатларни ривожлантириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида таълим олаётган спортчи талабаларнинг назарий ва амалий-машғулот дарс жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантиришда қўлланилган услублар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатувлар, анкета сўровномаси, педагогик тестлаш, педагогик тажриба ҳамда тадқиқот натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг амалий машғулот ва мусобақа жараёнидаги “реал вазиятни баҳолаш”, “тезкор қарор

қабул қилиш” кўникмаларини ривожлантириш учун аналитик фикрлаш қобилиятини тезкорлик жисмоний сифатига мослаштириш ҳисобига тактик тайёргарлик даражасини ошириш имконияти кенгайтирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг амалий машғулот ва мусобақа жараёнида “якка”, “гуруҳли”, “жамоавий” тактик ҳаракат усулларини рационал ўзгартириш малакасини оширишга қаратилган “Спортда case-study” услубини тактик тайёргарлик жараёнининг умумий ва махсус қисмларига мувофиқлаштириш ҳисобига тактик маҳоратни ривожлантириш имконияти кенгайтирилган;

замонавий педагогик ёндашувлардан келиб чиқиб бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида креатив фикрлаш, ностандарт ёндашиш, ижодий фаоллик компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган “Спорт семиотикаси”, “Синергетик эффект” услубларини ишлаб чиқиш ҳисобига спорт тайёргарлик тизимини ташкил қилиш услубияти такомиллаштирилган;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида “шахсий масъулият”, “ўзаро ҳурмат”, “жамоавий бирдамлик” каби ахлоқий-иродавий сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган “Valuesports” педагогик услубини ишлаб чиқиш ҳисобига спортнинг ахлоқий тарбиявий функциясини ривожлантириш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишларнинг мазмуни ўрганилиб, бунда талабаларни “Спортда case-study” услуби асосида ўқитиш ва креатив тафаккур тарзини ривожлантиришда “Спорт семиотикаси”дан фойдаланиш “Жисмоний тарбия ва спорт социологияси” ўқув қўлланмасида ўз аксини топган;

жисмоний маданият йўналишидаги талабаларнинг “Спорт кадриятлари” бўйича билим, кўникма, малакаларини ривожлантириш учун фойдаланилган;

жамоавий спорт ўйинлари (футбол, баскетбол, волейбол) мураббийлари ва спортчиларининг тактик-стратегик маҳоратини ўстириш ҳамда олий таълим муассасаларининг спорт фаолияти, жисмоний маданият ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот давомида олинган натижалар назарий-услубий жиҳатдан асосланган, илмий тадқиқотнинг изчил бажарилганлиги, мантиқий ёндашувга эгалиги, танланган услубларнинг тадқиқот мақсади ва вазифаларига тўлиқ мослиги, хориж ва юртимиз олимларининг илмий-тадқиқотларидаги илмий хулосалар ва тавсияларга асосланганлиги, диссертацияда келтирилган амалий таклиф ва тавсиялар бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантиришга йўналтирилганлиги, натижаларнинг тегишли ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак жисмоний тарбия ва спорт

мутахассисларининг кенг дунёқарашга асосланган тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган услублари ишлаб чиқилганлиги, уларнинг илмий-услубий аҳамияти очиб берилганлиги ҳамда мазкур услублар доирасида бўлажак спорт мутахассисларини тайёрлаш заруратининг муҳимлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантиришнинг ноанъанавий услублари ишлаб чиқилди ҳамда ушбу услублар бўлажак спорт мутахассисларида дарс, амалий машғулот жараёнларидаги фаолиятларини такомиллаштириш, кенг мулоҳазага таянган ҳолда ҳаракат қилиш тизимини яратиш, мавжуд муаммоларга нисбатан креатив ёндашув қобилиятини ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг аналитик фикрлаш қобилиятини тезкорлик жисмоний сифатига мослаштириш бўйича таклифлар “Жисмоний тарбия ва спорт социологияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 августдаги 375-сон буйруғига асосан 375-009 рақамли гувоҳномаси). Натижада спортчи талабаларнинг реал вазиятни баҳолаш, тезкор қарор қабул қилиш кўникмалари 16,2% га ошганлиги аниқланган;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг якка, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракат усулларини ривожлантиришга қаратилган “Спортда case-study” услуги Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг “Футбол ва қишки спорт турлари”, “Яккакураш” ва “Спортни бошқариш” факультети талабаларини ўқитиш жараёнига тузатишлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан 2021 йил 3 мартда берилган 03-07-08-784-сон маълумотномаси). Натижада спортчи талабаларнинг тактик ҳаракат усулларини рационал ўзгартириш малакаси 32 % га яхшиланган;

спортчи талабаларнинг креативлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган “Спорт семиотикаси”, “Синергетик эффект” услубларидан фойдаланиш бўйича таклифлар “Жисмоний тарбия ва спорт социологияси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 28 августдаги 375-сон буйруғига асосан 375-009 рақамли гувоҳномаси). Натижада ушбу услублар спортчи талабаларнинг креатив фикрлаш, ностандарт ёндашиш компетенцияларини 15,8 % га оширишга имкон яратган;

бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида ахлоқий-иродавий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар Тошкент шаҳри Миробод тумани 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт

мактабининг мураббийлар малакаси ва спортчиларни тайёрлаш самарадорлигини оширишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан 2021 йил 3 мартда берилган 03-07-08-784-сон маълумотномаси). Натижада мураббийларнинг жамоавий спорт ўйинларини замонавий стратегиялар асосида ташкил қилиш бўйича билимлари 18% га, спорт кадриятларидан фойдаланиш бўйича кўникмалари 15% га ривожланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот доирасида жами 16 номдаги илмий иш, жумладан 1 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат. 135 саҳифа матн, 36 та жадвал, 9 та расм, 4 та диаграмма, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатлари”** деб номланади. Мазкур бобда бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзи, унинг намоён бўлиш хусусиятлари, ўзига хос тамойиллари мавжуд илмий-методик адабиётларни ўрганиш асосида ёритиб берилган. Бир қатор олимлар (Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов 2000; Ю.Д.Железняк 2004; Л.П.Матвеев 1976; Ю.Ф.Курамшина 2004) бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзи бу - мустақил, ижодий ва унумли фикрлаш қобилияти орқали юзага чиқадиган фаолият юритиш шакли эканлигини ҳамда бир томондан, жисмоний тарбия тафаккур ривожланишга ёрдам беришини, иккинчи томондан тафаккур ривожини жисмоний тарбия самарадорлигини оширишини таъкидлаган.

Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзи структурасини тушуниш, таҳлил қилиш, тушунтиришдан иборат амалий-манتيкий жараёнлар ташкил қилади (А.Н.Абдиев 2005; Ф.А.Керимов 2005; Р.С.Саломов 2014). Баъзи мутахассисларнинг (З.Г.Гаппаров 2011; А.Абдуллаев, Ш.Х.Ханкелдиев 2005) фикрига кўра, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзи доимий ўзгариб турувчи вазиятларда муносиб хатти-харакатлар ва тезкор қарорлар қабул қилишни тақозо этади. Бу эса ушбу мутахассисларнинг тафаккур тарзини доимий такомиллаштириб бориш заруриятини юзага келтиради.

Мавжуд адабиётлар ва илмий-методик манбаларни қиёсий таҳлил қилиш асосида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларида техник-тактик тайёргарликни такомиллаштириш, юкламаларни оптималлаштириш, физиологик ҳолатларни баҳолаш, саралаш услубиятларини ишлаб чиқиш каби илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги маълум бўлди. Мазкур тадқиқотларда бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккурини ўрганиш, тафаккур турлари, услублари ва креативлик даражасини таҳлил қилиш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш масалалари алоҳида илмий-тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Тадқиқотнинг услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланиб, унда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик-назорат тестлаш, педагогик тажриба ва математик-статистик таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, педагогик тадқиқотнинг 3 та босқичда ташкил қилинганлиги кўрсатиб ўтилган:

I босқич (2018 йил). Ушбу босқичда тадқиқот мавзуимизга доир адабиётларни назарий таҳлил қилиш, тадқиқот мавзусини шакллантириш, тадқиқотимизнинг мақсад ва вазифаларини қўйиш, ечилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш, педагогик тажрибани ўтказиш босқичлари ҳамда муддатларини белгилаш, тажриба тадқиқотларида қўлланиладиган восита ва услубларни аниқлаштириш ишлари амалга оширилди.

II босқич (2019 йил). Бу босқичда ЎзДЖТСУ спортчи талабаларидаги тафаккур турлари ва услубларини аниқлаш, педагогик тажриба учун назорат ҳамда тажриба гуруҳларини танлаш, уларга тадқиқот жараёнида қўлланиладиган восита ва услубларнинг мазмунини тушунтириш, тадқиқотларни ўтказиш учун синалувчи гуруҳ талабаларининг дарс, амалий-машғулот жараёнларидаги фаолиятини кузатиш, ижтимоий муносабатлардаги ҳаракатларини таҳлил қилиш ишлари амалга оширилди.

III босқич (2020-2021 йиллар). Бу босқичда биз томонимиздан таклиф қилинган бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантиришга мўлжалланган механизм самарадорлигини аниқлаш учун ЎзДЖТСУ футбол, баскетбол, бокс ихтисосликлари II босқич талабаларининг дарс, амалий-машғулот жараёнлари ҳамда ижтимоий

муносабатлардаги фаолияти педагогик тажрибадан ўтказилди. Педагогик тажриба давомида назорат ва тажриба гуруҳлари учун тафаккур тарзини ривожлантирувчи механизм асослари босқичма-босқич тадбиқ этиб борилди. Педагогик тажрибада назорат ва тажриба гуруҳида 30 нафардан иборат жами 60 нафар спортчи талабалар иштирок этишди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари тафаккур тарзини ривожлантириш механизмининг асосланиши”** деб номланган. Ушбу бобда ЎзДЖТСУ спортчи талабаларининг дарс, амалий машғулот жараёнларида ва ижтимоий муносабатларда намоён бўлувчи тафаккур тарзи (Дж.Брунернинг “Тафаккур турлари ва креативлик даражасини аниқлаш” сўровномаси ҳамда А.Алексеев, Л.Громоваларнинг “Тафаккур услублари” методикаси асосида) таҳлил қилинган (1-2-3-жадвалларга қаранг).

ЎзДЖТСУ спортчи талабаларида (I-IV босқич) “Предметли тафаккур” тури юқори даражада (9,46 балл), “Креатив тафаккур” кўрсаткичи эса ўрта даражани (8,84 балл) ташкил этди. Бундан шуни англашимиз мумкинки, спортчи талабаларнинг асосий фаолияти амалий машғулотлар бўлганлиги учун уларда амалий тафаккур тарзи яхши ривожланади. Шунингдек, бирор вазифани ижодийликка таяниб бажаришларини маъқул кўришади. Кейинги тафаккур турларидан “Образли тафаккур” (7,75 балл), “Символли тафаккур” (7,12 балл), “Белгили тафаккур” (6,84 балл) ўрта даражада эканлиги аниқланди. Бу шуни кўрсатадики, спортчи талабалар ўзларининг дарс, амалий машғулот жараёнлари ва ижтимоий муносабатларида турли тафаккур турларидан керакли ўринларда деярли бир хил фойдаланишади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

ЎзДЖТСУ I-IV босқич спортчи талабаларининг тафаккур турлари ва креативлик даражасининг кўрсаткичлари (n=400) (Дж.Брунер бўйича)

Тафаккур тури	1- босқич (n=100)	2- босқич (n=100)	3- босқич (n=100)	4- босқич (n=100)	(\bar{X})	(σ)	(V)
Предметли тафаккур (балл)	9,40	9,70	8,95	9,80	9,46	1,36	14,37
Символли тафаккур (балл)	7,20	6,43	7,15	7,70	7,12	1,15	16,15
Белгили тафаккур (балл)	6,83	6,85	6,75	6,93	6,84	1,29	18,86
Образли тафаккур (балл)	8,10	7,70	7,70	7,50	7,75	1,27	16,39
Креатив тафаккур (балл)	9,05	9,18	8,55	8,58	8,84	1,17	13,24

Изоҳ: “куйи даража – 0 дан 5 баллгача”, “ўрта даража – 6 баллдан 9 баллгача”, “юқори даража – 9 баллдан 15 баллгача”.

ЎзДЖТСУ спортчи талабаларида “Прагматик тафаккур услуги” юқори даражада (61,08 балл) эканлиги маълум бўлди. Яъни, спортчи талабалар аксарият ҳолларда ўз шахсий тажрибаларига таяниб фикр юритади. Шунингдек, улар тезроқ натижага эришишни маъқул кўришади. Лекин, турли шароитларга тез мослашувчан бўлади. Кейинги “Реалистик тафаккур услуги” ўрта даражада (56,15 балл) бўлиб, унга кўра спортчи талабалар кўпроқ реал вазиятлардан келиб чиқиб фикр юритган ҳолда фаолиятларини ташкил қилишади. Навбатдаги “Синтетик” (51,83 балл) ва “Ғоявий” (50,88 балл) тафаккур услублари деярли бир хил кўрсаткични кўрсатди. Бундан шунингдек, спортчи талабалар турли ғояларни амалда синашга мойил бўлишади ва фикр юритишда, мулоҳаза қилишда ички интуицияга таянишмайди. Муҳими мақсадга эришиш биринчи ўринда бўлади. “Аналитик” тафаккур услуги паст кўрсаткични қайд қилди (48,2 балл). Бунга кўра, спортчи талабаларда муаммоли вазиятларга мантиқий ёндашиш, қарор қабул қилишдан олдин чуқур таҳлил қилиш ҳамда стратегияли режа тузиш кам кузатилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

ЎзДЖТСУ I-IV босқич спортчи талабаларининг тафаккур услублари бўйича кўрсаткичлари (n=400) (А.Алексеев, Л.Громовалар бўйича)

Тафаккур услуги	1-босқич (n=100)	2-босқич (n=100)	3-босқич (n=100)	4-босқич (n=100)	(\bar{X})	(σ)	(V)
Синтетик (балл)	50,6	51,2	52,1	53,4	51,83	3,62	6,99
Ғоявий (балл)	48,2	51,2	51,9	52,2	50,88	3,44	6,76
Прагматик (балл)	59,1	61,1	61,9	62,2	61,08	2,92	4,78
Аналитик (балл)	47,3	47,9	48,2	49,4	48,2	2,68	5,56
Реалистик (балл)	56,5	52,5	58,4	57,2	56,15	3,61	6,43

Изох: “қуйи даража – 37 баллдан 59 баллгача”, “ўрта даража – 60 баллдан 65 баллгача”, “юқори даража – 66 дан 71 баллгача”, “ўта юқори даража – 72 баллдан юқори”.

ЎзДЖТСУ спортчи талабаларининг тафаккур турлари ва услублари орасидаги ўзаро ички алоқадорлик муносабатлари аҳамиятли даражадаги коэффицентларни кўрсатди. Хусусан, спортчи талабаларнинг “предметли” тафаккур турининг юқорилиги “прагматик” тафаккур услубининг ривожланишига сабаб бўлди ($r=0,986$; $P<0,001$) (3-жадвалга қаранг).

ЎзДЖТСУ I-IV босқич спортчи талабаларининг тафаккур турлари ва услублари орасидаги корреляцион муносабат кўрсаткичлари (n=400)
(К.Пирсон бўйича)

Тафаккур услублари / Тафаккур турлари	Синтетик	Ғоявий	Прагматик	Аналитик	Реалистик
Предметли тафаккур	0,242	-0,320	0,986**	0,069	0,140
Символли тафаккур	0,012	0,187	-0,342	0,119	-0,093
Белгили тафаккур	0,167	0,424	-0,019	0,612	0,052
Образли тафаккур	0,037	0,376	0,181	-0,971*	0,025
Креатив тафаккур	0,017	0,014	0,132	0,189	0,974**

Изоҳ: ** p<0,001; *p>0,05

Бу жараёнда спортчи талабаларнинг маълум фаолиятни макон ва замонда бевосита ўзи томонидан бажарилишида амалий фикрлаш тарзи намоён бўлиб, аксарият ҳолларда шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб қарор қабул қиладилар. Шу орқали юзага келган мавжуд ҳолатларда тактикаларини яхши белгилайди ва мураккаб вазиятлардан осон чиқиб кетади. Тадқиқотимизга кўра, ЎзДЖТСУ спортчи талабаларида “креативлик”нинг устунлиги “реалистик” тафаккур услубининг ривожланишига олиб келди ($r=0,974$, $P<0,001$). Ушбу ҳолатдан англанадими, спортчи талабалар тафаккур тарзида реал вазиятлар ва фактлар муҳим ҳисобланиб, улар фикрлаш техникасида янги ёндашувларни қўллашга сабаб бўлади. Ўз навбатида спортчи талабаларда “образли” тафаккур турининг суст ривожланганлиги “аналитик” тафаккур услубининг ривожланишида тўсиқ бўлиши аниқланди ($r=-0,971$, $P>0,05$). Яъни, спортчи талабаларга қарор қабул қилишдан олдин чуқур таҳлил қилиб, муаммо юзасидан далиллар тўплаб, тўлиқ ахборотларни йиғишга ҳамда стратегияли режа тузиш ўргатилмаса уларнинг тактик фикрлаш тарзи “қотиб” қолади.

Бу натижаларга кўра, спортчи талабаларда предметли тафаккур тури орқали прагматик тафаккур услуби ривожланишига, креатив тафаккур турининг ўсиб бориши реалистик тафаккур услубининг такомиллашишига олиб келса-да, мавжуд вазиятларда таҳлил қилиш, мантиқий ва аналитик фикрлашга эътиборсизлик ортиб борди. Ушбу ҳолат бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилади (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал
БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ТАФАККУР ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
МЕХАНИЗМЛАРИ

Механизм	асоси	“Спортда case-study” услуги	“Спорт тафаккури” услуги	“Спорт семиотикаси” услуги	“Синергетик эффект” услуги
Мақсад	Якка, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракат усулларини танлаш малакасини ошириш	Якка, гуруҳли, жамоавий тактик ҳаракат усулларини танлаш малакасини ошириш	Реал вазияни баҳолаш ва тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш	Креатив фикрлаш, ижодий фаоллик компетенцияларини ривожлантириш	Ностандарт ёндашиш компетенциясини ривожлантириш
Қўланиш	объекти	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Вазифалари	Ташқи қилиш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	дақиқа	Ташқи қилиш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	дақиқа	Ижодий фикрлаш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	сония	Жамоавий коммуникативлик	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	марта	Амалий ёчимни кўрсатиш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	марта	Мустақил ёндашув билдириш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	сония	Тафаккур тезлиги	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	марта	Тафаккур маҳсулдорлиги	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	марта	Тафаккур оптимизациялиги	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	дақиқа	Тафаккур мослашувчанлиги	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	сония	Тезкор қарор қабул қилиш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	марта	Креатив фикрлаш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	марта	Амалий креатив ҳаракатлар	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	марта	Ижодий услублар	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	марта	Ностандарт ёндашувлар	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	марта	Янги ғоялар	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	бағли	Тактик-стратегик bilim	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	бағли	Антигоизм	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	бағли	Позицияларни ривожлантириш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
Ҳаёт	бағли	Кўч-инновацияларни ривожлантириш	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни
	бағли	Кўчма	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни	Назарий машғулот жараёни

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг тафаккур тарзини ривожлантириш механизмлари бўйича педагогик тажриба натижалари таҳлили**” деб номланади. Мазкур бобда ЎзДЖТСУ II босқич спортчи талабаларидан (футбол, баскетбол, бокс) иборат назорат ва тажриба гуруҳларида ўтказилган педагогик тажриба давомида кўрсатган натижаларининг таҳлили баён қилинган.

Футбол ихтисослиги 2-босқич талабаларидан иборат тажриба ва назорат гуруҳларининг дарс жараёнида қўлланилган (Спортда case-study услуги) бўйича тафаккур тарзидаги ўзгариш натижаларининг таҳлили куйидагича:

- назорат гуруҳида энг юқори ўсиш кўрсаткичи (31,7 %) синалувчиларнинг амалий ечимни кўрсатишида;


- энг қуйи ўсиш (4,2 %) синалувчиларнинг жамоавий коммуникативлик кўрсаткичи бўлди. Назорат гуруҳининг ўртача ўсиш кўрсаткичи эса (13,38 %) ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳи синалувчиларининг:

- энг юқори ўсиш кўрсаткичи “Амалий ечимни кўрсатиш” (63,6 %);

- энг паст кўрсаткичи “жамоавий коммуникативликка киришиш” (5,5 %);

-ўртача ўсиш кўрсаткичи (31,38 %) ни ташкил қилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари синалувчиларининг “Спортда case-study” услуги бўйича тафаккур тарзидаги ўсиш динамикаси %.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида ўзгариши

Стьудентнинг критик қийматлари асосида статистик ишончлилигини аниқлашда ҳам кузатилди.

Хусусан, назорат гуруҳида тўртта кўрсаткич:

- таҳлил қилиш ($t_{ct}=2,67$);
- жамоавий коммуникативликка киришиш ($t_{ct}=2,73$);
- амалий ечимни кўрсатиш ($t_{ct}=2,68$);
- мустақил ёндашув ($t_{ct}=2,72$) натижалари педагогик тажриба давомида ($p<0,05$ аҳамиятлилиқ даражасида) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди. Қолган битта кўрсаткич “Ижодий фикрлаш” ($t_{ct}=1,94$) педагогик тажриба давомидаги ўзгариш статистик ишончсиз ($P>0,05$) эканлиги кузатилди.

Шу билан бирга, тажриба гуруҳи синалувчилари барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик тажриба давомида статистик ишончли эканлиги аниқланди:

- таҳлил қилиш ($t_{ct}=7,53$);
- ижодий фикрлаш ($t_{ct}=4,53$);
- жамоавий коммуникативликка киришиш ($t_{ct}=5,56$);
- амалий ечимни кўрсатиш ($t_{ct}=5,14$);
- мустақил ёндашув билдириш ($t_{ct}=4,48$) бўлиб, $P<0,001$ статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Футбол ихтисослиги (2-босқич) назорат (анъанавий) ва тажриба (Спортда case-study) гуруҳлари синалувчиларида педагогик тажриба давомида тафаккур тарзидаги ўзгариш натижаларининг таҳлили (n=30)

№	Тафаккур тарзидаги кўникмалар	Гуруҳ	Тажрибадан олдин		Тажрибадан кейин		Ўсиш %	t_{ct}	P
			\bar{x}	σ	\bar{x}	σ			
1	Таҳлил қилиш (дақиқа)	НГ	8,57	0,98	8,07	0,69	5,6	2,67	<0,05
		ТГ	7,58	0,64	6,34	0,59	16,3	7,53	<0,001
2	Ижодий фикрлаш (дақиқа)	НГ	8,51	0,99	8,10	0,60	4,7	1,94	>0,05
		ТГ	7,53	1,15	6,05	1,37	19,1	4,53	<0,001
3	Жамоавий коммуникатив-ликка киришиш (сония)	НГ	52,80	3,39	50,57	2,93	4,2	2,73	<0,05
		ТГ	51,63	2,17	48,80	1,75	5,5	5,56	<0,001
4	Амалий ечимни кўрсатиш (та)	НГ	1,77	0,92	2,33	0,68	31,7	2,68	<0,05
		ТГ	2,20	0,86	3,60	1,22	63,6	5,14	<0,001
5	Мустақил ёндашув билдириш (та)	НГ	3,23	0,99	3,90	0,92	20,7	2,72	<0,05
		ТГ	3,30	1,01	5,03	1,86	52,4	4,48	<0,001

Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи

Баскетбол ихтисослиги 2-босқич талабаларидан иборат назорат (анъанавий) ва тажриба (Спорт тафаккури) гуруҳларида педагогик тадқиқот давомида тафаккур тарзидаги ўзгариш натижаларининг таҳлили қуйидагича:

Назорат гуруҳида энг юқори ўсиш кўрсаткичи (20,2 %) синалувчиларнинг тафаккур маҳсулдорлиги, энг қуйи ўсиш (6,6 %) синалувчиларнинг тезкор қарор қабул қилиш кўрсаткичи бўлди. Назорат гуруҳининг ўртача ўсиш кўрсаткичи эса (14,92 %) ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳи синалувчиларининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи “тафаккур оригиналлиги” (40,9 %) ва энг паст кўрсаткичи “тафаккур тезлиги” (24,3 %) бўлди ҳамда ўртача ўсиш кўрсаткичи (30,38 %) ни ташкил қилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари синалувчиларининг “Спорт тафаккури” бўйича тафаккур тарзидаги ўзгариш динамикаси %.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қийматларини педагогик тажриба давомида ўзгариши Стъудентнинг критик қийматлари асосида статистик ишончилигини аниқлашда ҳам кузатилди.

Назорат гуруҳида бешта кўрсаткич: тафаккур тезлиги ($t_{cr}=2,72$), тезкор қарор қабул қилиш ($t_{cr}=2,40$), тафаккур маҳсулдорлиги ($t_{cr}=2,59$), тафаккур мослашувчанлиги ($t_{cr}=2,71$) натижалари педагогик тажриба давомида ($P<0,05$ аҳамиятлилик даражасида) статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди. Битта кўрсаткич “Тафаккур оригиналлиги” ($t_{cr}=2,04$) педагогик тажриба давомидаги ўзгариш статистик ишончсиз ($P>0,05$) эканлиги кузатилди.

Шу билан бирга, тажриба гуруҳи синалувчилари барча кўрсаткичлар бўйича кўрсатган натижалари ўртача арифметик қийматлари педагогик

тажриба давомида статистик ишончли эканлиги аниқланди: тафаккур тезлиги ($t_{ct}=4,32$), тезкор қарор қабул қилиш ($t_{ct}=5,30$), тафаккур маҳсулдорлиги ($t_{ct}=4,71$), тафаккур оригиналлиги ($t_{ct}=4,98$), тафаккур мослашувчанлиги ($t_{ct}=5,67$) бўлиб, $P<0,001$ статистик ишончли ўзгарганлиги аниқланди (6-жадвалга қаранг).

6-жадвал

Баскетбол ихтисослиги (2-босқич) назорат (анъанавий) ва тажриба (Спорт тафаккури) гуруҳлари синалувчиларида педагогик тажриба давомида тафаккур тарзидаги ўзгариш натижаларининг таҳлили (n=30)


№	Тафаккур тарзидаги сифатлар	Гуруҳ	Тажрибадан олдин		Тажрибадан кейин		Ўсиш %	t_{ct}	P
			\bar{x}	σ	\bar{x}	σ			
1	Тафаккур тезлиги (сония)	НГ	14,83	3,61	12,50	2,99	15,7	2,72	<0,05
		ТГ	13,47	3,53	10,20	2,17	24,3	4,32	<0,001
2	Тафаккур маҳсулдорлиги (та)	НГ	10,73	2,79	12,90	3,64	20,2	2,59	<0,05
		ТГ	10,80	2,39	14,67	3,81	35,8	4,71	<0,001
3	Тафаккур оригиналлиги (та)	НГ	2,93	0,94	3,37	0,72	15,0	2,04	>0,05
		ТГ	3,03	0,95	4,27	0,98	40,9	4,98	<0,001
4	Тафаккур мослашувчанлиги (дақ)	НГ	3,02	0,75	2,58	0,48	17,1	2,71	<0,05
		ТГ	2,58	0,40	2,05	0,32	25,9	5,67	<0,001
5	Тезкор қарор қабул қилиш (сония)	НГ	7,10	0,84	6,63	0,67	6,6	2,40	<0,05
		ТГ	7,07	0,97	5,30	1,55	25,0	5,30	<0,001

*Изоҳ: НГ-назорат гуруҳи, ТГ-тажриба гуруҳи

